Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 27 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 100 (6996)

Da'vat

Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.
О. БАЛЬЗАК

Ibrat

Касаба уюшмалари Самарқанд вилоят Кенгаши маҳаллий телевидение ва вилоят театри билан ҳамкорликда болаларнинг Янги йил байрамини мароқли ўтказиш учун тадбирлар ишлаб чиқди. Бу тадбирларда болалар учун турфа совғалар ташкил этишни касаба уюшмалари ўз зиммасига олди.



ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ ОЛИЙ МУҲОКАМАЛАР

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЯНГИ БИНОСИДА БЎЛИБ ЎТДИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 25 декабрь куни Тошкентда парламентнинг янги биносида иш бошлади.

Сессия ишида иштирок этиш учун бу ерга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташриф буюрди.

Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, дипломатия корпусининг вакиллари, шунингдек, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари залда ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги нутқини иштирокчилар ва хорижий меҳмонлар зўр эътибор билан тингладилар.

Парламент Ўзбекистон Президенти нутқида баён қилинган мамлакат аграр соҳасида истиқболдаги ислоҳотларнинг кенг дастурини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Шундан сўнг қишлоқ хўжалик корхоналари лойиҳалари санацияси тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Сўнгра депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, атрофлича муҳокама қилдилар. Муҳокамадан сўнг, депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджетини тасдиқладилар.

* * *

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 26 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент мажлисида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошқарди.

Депутатлар Олий Мажлис қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинованинг Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Лойиҳани муҳокама қилишда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова, «Нуроний» фахрийлар жамғармаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси С. Усмонов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова иштирок этди.

Парламент Оила Кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади. Уни умумҳалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Шу масала юзасидан парламентнинг матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов маъруза қилди. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш республика ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси, «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири Х. Дўсмуҳамедов, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш. Норбоева, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг раиси, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири И. Ғафуров, Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмаларини мувофиқлаштириш кенгаши раиси М. Олтиев, «Ўзэлектроаппарат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Алимбоев сўзга чиққандан сўнг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Парламентнинг атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг аъзоси Ш. Жўраев ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида сўзга чиқди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Тошкент давлат аграр университети ректори Х. Бўриев, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Ҳалимбетов иштирок этди. Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Олий Мажлис ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳани депутатларга Олий Мажлиснинг атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг аъзоси Ш. Жўраев тақдим этди. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А. Абдувосиқов, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов, Фарғона шаҳри Қиргули тумани ҳокими В. Белоногов сўзга чиққандан сўнг депутатлар қонунни тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан парламентнинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент давлат юридик институтининг ректори Ҳ. Бобоев, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокими К. Нуниёзов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Депутатлар иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошевнинг маърузаси юзасидан божхона Кодекси лойиҳасини кўриб чиқдилар ҳамда уни қабул қилиш ва 1998 йил 1 мартдан кучга киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Депутатлар Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат, саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш, халқаро ишлар ва мамлакатлараро алоқалар, фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан киритилган Ўзбекистоннинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришадилар. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоиловнинг маърузасидан сўнг парламент мазкур қонунни қабул қилди.

Олий Мажлис айрим қонун ҳужжатлари тўла ёки қисман ўз кучини йўқотганини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилди, Ўзбекистоннинг бир қанча халқаро конвенцияга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис ўнинчи сессияси котибиятининг раҳбари, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Шаҳрихон туман кенгашининг биринчи котиби М. Отабоев сессия номига келган мактублар ҳамда депутатлар, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари ва айрим фуқароларнинг аризалари тўғрисида ахборот берди.

Парламент Олий суд раиси У. Мингбоевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгаришлар киритилди.

Сўнгра Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ва Олий Мажлис кенгаши қарорларини тасдиқлади.

Олий Мажлис Раиси Э. Халилов минбарга чиқади.

Бугун, Олий Мажлиснинг ўнинчи, айтиш мумкинки, юбилей сессиясида, деди у, республикамиз мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлга яна бир бор назар ташлаймиз, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ишлаб чиққан йўлнинг тўғрилигига, бу йўл узоқни кўриб, доноликбилан ишлаб чиқилганига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қиламиз, бу йўл халқаро миқёсда кенг эътироф этилди ва Ўзбекистон модели номи билан тарихга кирди. Ўзбекистон халқи XXI аср бўсағасида Ўзбекистоннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашини белгилаб берадиган улкан янгиланишларни тарихан қисқа даврда ортиқча қийинчиликларсиз амалга ошира олди.

Халқимиз ҳозирги барча муваффақиятларни ва келажакка ишончини давлатимиз бошлиғи, Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ томонидан сайланган Президенти, бутун ҳаётини Ватанимизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнашига бағишлаган Ислом Каримовнинг номи ва фаолияти билан ҳақли равишда боғламоқда.

Олий Мажлис депутатлари халқ иродасини ифодалаб, Ўзбекистон давлат қурилишидаги ва жаҳон ҳамжамиятида миллат обрўсини оширишдаги, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлашдаги, маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун ва туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлатининг вужудга келишида ва унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилди.

Депутатлар Э. Воҳидов, А. Ғуломмаҳмудов, Н. Иброҳимов, М. Эгамова ва С. Усмонов Ўзбекистон Президентини мукофотлар билан табрикладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия якунида сўзга чиқди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси шу билан ўз ишини тугаллади.

Munosabat

МЕҲНАТ — ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

уни тўғри ташкил этиш ва унга тўғри муносабатда бўлиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим омиллари эканлигига мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессиясида сўзлаган «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи» деб номланган нутқида алоҳида тўхталди

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги — X сессияси кун тартибига қўйилган масалаларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ушбу сессияда сўзлаган «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи» деб номланган нутқида қишлоқ хўжалигининг бугуни ва истиқболини, муаммоларию ютуқларини чуқур таҳлиллар билан яққол тасвирлаб берди. Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш, уни ислоҳ қилишга зарурият туғилганлигининг уч жиҳати хусусида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Аввало, бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни шуни тақозо этмоқда. Ҳозир аграр тармоқ ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортиғини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. Бу — масаланинг иқтисодий жиҳати.

Ижтимоий соҳада эса — мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолиси катта қисмининг, балки бутун республика аҳлининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

Энг муҳими, бу — муаммонинг сиёсий жиҳатидир. Бугун биз шуни тобора чуқур англаб етяпмизки, жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ.

Шу боис мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлабоқ биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратдик.

Йўлбошчимиз ўтган олти йил давомида бу борада кўпгина чора-тадбирлар кўрилганлиги, уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги қишлоқ хўжалиги соҳасида муайян ютуқларга эришилишига омил бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлади. Жумладан, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари барпо бўлаётганлиги, хўжалик юритиш механизмининг мутлақо янги асосларга қурилаётганлиги, қишлоқ хўжалигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилганлиги бу ютуқлар гарови бўлаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Нутқда эришилган натижаларга қарамай республикамиз қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларнинг бориши, чуқурлашуви, самарадорлиги мавжуд имконият ва омилларга нисбатан кўнгилдагидек бўлмаётганлиги айтилди.

— Аввало, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади — қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йўли биалн ерга, мулкка, меҳнатга муносабатни ўзгартиришга ҳали эришилгани йўқ, — деди Ислом Каримов.

Йўлбошчимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини бу мақсадга йўналтиришга асосий тўсиқ бўлаётган сабабларни санаб ўтди. Бозор механизми ва омилларининг ҳали қишлоқда ўз ривожини топмаётганлиги, бошқарувнинг эски усулларидан ҳали ҳам воз кечилмаганлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, уруғчилик ва чорвачиликда наслчилик муаммоларига етарли эътибор берилмаётганлиги, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш амалиёти ва мақсадларидан унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш жараёнининг ортда қолаётганлиги каби салбий ҳолатлар шулар жумласидандир.

Ислом Каримов юқорида тилга олинган мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш ҳақида гапирар экан, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, муаммонинг илдизи ва унинг ечимларини очиқ-ойдин айтиб ўтди.

— Юқорида тилга олинган, хўжалик юритишнинг оддий бўлиб кўринган бу тамойилларини, энг аввало, ниманинг ҳисобидан амалга ошириш мумкин, деган савол туғилади.

Биринчи ва асосийси — мулкка муносабатни тубдан ўзгартириш ҳисобига йўлга қўйилиши лозим, — деди Ислом Каримов. **— Бу ўринда ерга эгалик масаласи энг муҳим масала бўлиб қолади.**

Президентимизнинг ушбу нутқини ўқиб туриб, бир нарса хаёлимиздан ўтди. Беихтиёр ҳозирги ерга, мулкка, унда ишловчи ва уни яратувчи — деҳқон меҳнатига айрим нописандлик билан қарашларнинг ҳали ҳам мавжудлиги сабабларини биз ўша собиқ шўро тузуми давридан топгандек бўлдик. Имконият, шарт-шароит, ҳудудий ўзига хослик билан ҳисоблашилмай, фақат «бер-берга» асосланган тизим, деҳқонларимизга, раҳбарларимизга фақат ерни ҳаддан ташқари «эксплуатация» қилишни ўргатиб, унга ишлов бериш, бойитиш каби ишларга имкон ҳам, шарт-шароит ҳам яратмас эди. Ҳаттоки ўша пайтларда «колхоз», «совхоз» деган жамоа бирликлари номларидан ҳам онгимизга «коммунизмнинг пуч ғоясини» сингдиришда восита сифатида фойдаланишган.

— Ўзи аслида «колхоз» — «коллективное хозяйство» дегани, «совхоз» — «советское хозяйство» дегани. Иккиси ҳам — советлар замонидан қолган сарқит тушунчалар. Бундай тушунчалар бизнинг бугунги ҳаётимизга, миллий ғуруримизга тўғри келмайди.

Бугунги кунда хўжаликни маърифий дунёда қабул қилинган бутунлай янги асосларда ташкил этиш зарур. Назаримда, пайчиқи асосида қайта ташкил этилган корхоналарга уларнинг мазмун-моҳиятига мос янги — қишлоқ хўжалик ширкати деган ном бериш маъқул бўларди. Чунки, у ширкат аъзоларини кўнгиллилик ва муайян шартлар асосида бирлаштиради, — деди йўлбошчимиз.

Хўш, Президентимизнинг ушбу нутқидан таълим-тарбия ходимлари қандай хулосага келишлари мумкин? Аввало, унда айтилган муаммолар, камчиликлар ечимларига кадрлар тайёрлашда асосий эътиборни қаратмоқ лозим. Негаки, нутқда замонавий қишлоқ хўжалиги тизимини ташкил этиш билан боғлиқ асосий масалалар санаб ўтилган. Талабаларнинг бу каби маълумотлардан хабардор бўлиши, истиқболда бу соҳа муваффақиятининг омили бўла олади. Иккинчидан, меҳнатга ҳамиша халқимиз «энг яхши тарбиячи», дея сифат бериб келган. Шунга биноан, болаларга ёшлигиданоқ меҳнат нималигини, унинг мазмунмоҳиятини тушунтириб, уларда меҳнат қилишга қўникма ҳосил қила бориш керак. Шу баробарида қилган ўша меҳнатига яраша ҳақини талаб этишга ўргатиб бориш лозим. Оилада, болалар боғчаларида, мактабларда амалга оширилиши лозим бўлган бу каби ишларнинг кўнгилдагидек ташкил этилиши, келажакда қишлоқ хўжалиги тизимида ислоҳотларнинг жадаллашувига, катта бир куч келиб қўшилишига замин яратилган бўлур эди.

МАКТАБ МАШИНА ОЛМОҚЧИ
2-БЕТ

ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАМИЗ, БУРЧИМИЗНИ-ЧИ?
2-БЕТ

ОҒРИҚЛИ САВОЛ
(ҲИКОЯ)
4-БЕТ

ОЛИМНИ ХОТИРЛАБ

Яқинда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида таниқли олим, педагог, давлат ва жамоат арбоби, академик Тошмуҳаммад Қори- Ниёзий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуманни Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очиб берди. Ушбу анжуманда юртимизнинг кўпгина олиму фузалолари иштирок этишди.

Конференцияда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда педагогика фанининг ривожланиши, Қори-Ниёзийнинг илмий меросидан таълим-тарбия ишларида фойдаланиш, олимнинг математик терминология фанига қўшган ҳиссаси, шунингдек, унинг ҳаёти ва фаолиятидан эсдаликлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мухбиримиз

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосари лавозимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди, унга кўра, 2000 йилда буюк мусаввирнинг 545 йиллиги кенг миқёсда нишонланадиган бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида, дам олиш кунини 1998 йил 4 январь якшанбадан 2 январь жумага кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди.

• Тожикистон Президенти И. Раҳмонов Эронда бўлган вақтида мухолифат раҳбарларидан бири Ҳожиакбар Тўражонзода республикага қайтса, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллаши мумкинлигини билдирган эди, бироқ Президент ҳозиргача бу масалага оид фармонни имзоламаган.

• Парижда оламга донғи кетган Халқаро террорчи Ильич Рапирес Санчес устидан олиб борилаётган суд жараёни ниҳоясига етди — суд террорчини умрининг охирига қадар қамоқ жазосига ҳукм қилди.

МММ ХАБАРЛАРИ

МОҲИРЛИК СИНОВЛАРИ

Андижон шаҳридаги 2-гимназияда вилоят бўйича компьютер шоу мусобақаси ўтказилди. Бу мусобақада компьютерга бағишланган савол-жаваблар, саҳна кўринишлари, компьютерни бошқаришда ўқувчиларнинг моҳирликлари синалди. Мусобақада Андижон шаҳри командаси биринчи ўринни, Қўрғонтепа тумани иккинчи ўринни, Марҳамат тумани учинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга вилоят ҳунар таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ

«КАМОЛОТ»НИНГ КАМОЛОТИ

Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги коллежи маъмуриятининг ибратли ташаббуси билан яқинда коллежда деворий газеталар танлови ўтказилди. «Бизнинг тўртинчи ҳокимият» мавзуси остида ўтказилган ушбу танловда 40 та деворий газета таҳририятлари иштирок этишди.

Коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари А.Жўраев бошлиқ ҳакамлар ҳайъати коллежнинг иқтисод ва режалаштириш бўлими талабаларининг «Камолот» деворий газетасига 1-ўрин, «Адолат» деворий газетасига 2-ўрин ва «Гидромелиорация» бўлими талабаларининг «Оби ҳаёт» деворий газетасига 3-ўрин беришди.

Ғолиб деб топилган ушбу деворий газеталарнинг таҳририят аъзолари фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

БАРКАМОЛ ИНСОН БЎЛАЙЛИК

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида учрашувлар, адабий кечалар, давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Унда «Маънавият ва иқтисодиёт», «Менежмент, маркетинг ва бизнесменликни қандай тушунасиз?», «Иймон нимаю эътиқод нима?», «Бозор иқтисодиёти ва ёшлар» каби ўнлаб мавзулар ўртага ташланади ва хулосалар ясалади. Мана шундай учрашувларнинг бирида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг масъул ходими, шоира Турсуной Содиқова иштирок этди.

Учрашувни маънавият ва маърифат бўйича ректорнинг биринчи муовини И.Соифназаров бошқариб борди. Йиғилишда ўғлонларимизнинг Ватан олдидаги, тенгдошлари олдидаги вазифалари тўғрисида жўшқин сўзлар айтилди. Ҳаёт, турмуш лавҳалари билан самимий ўртоқлашилди.

Суннатилла РИЗАЕВ

МММ ХАБАРЛАРИ

Ta'limda tadbirkorlik

МАКТАБ МАШИНА ОЛМОҚЧИ

Ҳар сафар иш юзасидан Дўстлик туманидаги М.Дадажонов номли 4-ўрта мактабга борганимда янгиликлар ва ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Сирасини айтганда, мактаб жамоаси, мана тўрт йилдирки, ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Ҳар йили пахта экиб, юқори ҳосил етиштириб келяапти. Дастлабки йиллари 5 гектар ер олиб деҳқончилик қилишди. 1994 йили хўжалик еридан 25 минг сўм соф даромад олинди. Шу маблағни мактабни таъмирлаш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфлашди. 1995 йили эса жамоа 9 минг сўм соф даромадга эга бўлди. Даромад мактаб эҳтиёжига, мактабни таъмирлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга ишлатилди.

1996 йили мактабга қўшимча 15 гектар ер берилди. 20 гектар ердан тушган соф фойда 217 минг сўмни ташкил этди. 61 минг сўмлик турли жиҳозлар: 33 минг сўмлик бадиий китоблар, 30 минг сўмлик спорт анжомлари ҳамда 3 та видеожуфтлик харид қилинди. Шунингдек, 680 килограмм ўсимлик ёғи, 2100 кило ем, 2880 кило пахта чиқиндиси олиниб, ўқитувчиларга бепул тарқатилди.

Жорий йилда мавжуд 20 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. Давлатга 58 тонна хомашё етказиб берилди. Бу йилги ҳосилдан барча сарф-харажатлардан ташқари 1 миллион 200 минг сўм соф даромад олиш кўзда тутилмоқда.

Юқоридаги сатрларни ўқиган кишида «Мактаб жамоаси фақат деҳқончилик билан машғул бўлиб қолибдида», деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Мактаб ҳовлисига кирсангиз, саранжомсаришталикни, озодаликни кўрасиз. Мактаб коридори ва синф хоналари безатилган. Ўқитувчиларни ва ўқувчиларни билимга ундовчи шиорлар, халқ мақоллари дид билан ёзиб қўйилган. Ҳар бир фан кабинетлари намунали жиҳозланган.

— Мактабни оталиқ ташкилотимиз — «Оқ олтин» ижара ширкатлар бирлашмаси кўмагида ҳамда ўз маблағимиз ҳисобига таъмирлаяпмиз ва жиҳозлаяпмиз, — деди мактаб директори Мурод Нурқобилов, — стол-стуллар, сунъий гуллар, 180 минг сўмлик турли рангдаги бўёқлар сотиб олдик. Сотиб олинган телевизор, видеомагнитофон ҳамда видео жуфтликлардан ҳар бир дарсда фойдаланаяпмиз. Қисқаси, ўғил-қизларга барча фанлардан кўргазмали қуроллар асосида чуқур билим беришга эришаяпмиз...

Умуман олганда, ёрдамчи хўжалик маблағи ҳисобига мактабнинг имкониятлари кенгаймоқда. Ёрдамчи хўжаликдан ишлаб топилган маблағ ҳисобига ҳамда мактабнинг собиқ битирувчилари кўмагида очиқ теннис корти, ўқитувчилар услубхонасини қуриш ишлари бошлаб юборилган. Шунингдек, жамоа янги йилда «Дамас» енгил машинаси олишни мўлжаллаб туришибди. Хуллас, Мамажон Дадажонов номли 4-ўрта мактаб жамоаси олиб бораётган ишлар эътиборга сазовор.

Б.НОРҚУЛОВ,
Жиззах вилояти

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ САМАРАСИ

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтидаги таълим жараёни ўзаро баҳслашув, сермазмун музокараларга бой ўтади. Шунингдек, бу ерда ташкил этилган курс тингловчиларининг шаҳар таълим муассасаларида ўтказаётган амалий машғулотлари ҳам ўз самарасини кўрсатаяпти.

Ана шундай машғулотларнинг бири шаҳар мактаблари директорлари раҳбар ходимлар курсининг навбатдаги тингловчилари иштирокида, Сирғали туманида жойлашган ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўтказилди.

Бу ерга ташриф буюрган тингловчиларга ушбу билим даргоҳи директори Саид Абдуллаев оўгунги кунда комбинатда мавжуд бўлган гуруҳлар хусусида гапириб берди. Меҳмонлар наққошлик, гилам тўқиш, миллий дўппичилик, бичиш ва тикиш, миллий каштачилик, котиба ва иш юритувчилар, тўқувчилик, ошпазлик ва қандолатчилик, электрон машиналарда ишлаш, ҳисоб-китобчилар, авточилангарлар каби гуруҳларда ўтаётган дарс жараёнлари билан танишдилар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқотда бўлишди.

Ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ўқувчилари «Мода ва замон» мавзусида саҳнавий композиция тайёрлаб, унда классик, романтик, шарқона услубларда, ёшларга монанд ва спорт билан шуғулланишга мос келадиган кийим намуналарини намойиш этишди. Бундан ташқари ўқувчиларнинг иқтисодиёт мавзусига оид ҳужжатларни тўлдириш, маркетинг, менежмент асосларидан маълумот берувчи саҳнавий кўринишлари ҳам меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Мазкур курс раҳбари Салтанат Йўлдошева ва институт доценти Хикматулла Абдуллаевларнинг таъкидлашича, бундай амалий машғулотларни ўқувчиларимизга касб-ҳунар ўргатаётган таълим муассасаларида ўтказишдан асосий мақсад — курсга келган мактаб раҳбарларини жойларда миллий ҳунармандчилигимизга оид амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништиришдир.

Дарҳақиқат, курс тингловчилари ушбу ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида 20 га яқин касб-ҳунар бўйича таълим-тарбия олаётган Сирғали туманидаги қатор умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари билан бўлган мулоқотлар давомида, шунингдек, ўқув хоналари жиҳозланганлиги, осойишталигини кўриб, бу ерда амалга оширилаётган ибратли ишларнинг гувоҳи бўлишди ва келгусида ана шундай амалий машғулотларнинг самарали натижа беришини қайд этишди.

Нурлан УСМОНОВ

Mulohaza

ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАМИЗ, БУРЧИМИЗНИ-ЧИ?

Инсон ҳар қадамда ҳуқуқ ва бурч аталмиш мезонга дуч келади. Табиийки, ҳуқуқини билмаган одам кўп машаққатлар чекиши мумкин. Бурчини билмаган одам-чи? Бурчини билмаган одам фақат ўзи озор чекиб қолмасдан бошқаларга ҳам зиён етказиши мумкин. Аксарият ҳолларда кишилар ҳуқуқларини билишга интилишадию бурчлари ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Худди ана шу нуқтада турли келишмовчиликлар, майда можаролар ва катта-катта жиноятлар содир бўлади.

Ҳуқуқни билиш бу ўз манфаатларини муҳофаза қилиш деганидир. Биз ҳуқуқий демократик давлат қурмоқчи эканмиз, бу йўлда ҳуқуқни танишимиз биринчи қадамдир. Агар яна бир муҳим қадам саналмиш бурчиларимизни билсак, жамиятнинг маънавий ва маданий қиёфасига катта инқилоб олиб кирган бўлар эдик.

Ҳар қандай мураккаблик оддий нарсадан бошланади. Шу маънода келинг, аслида кимларгадир жўн бўлиб туюлган кундалик ҳодисалардан мисол келтирайлик...

Машина катта йўлда елдек учар, рулдаги Нодиржон синфдошлари билан бўладиган учрашувга шошарди. Узоқдан кўринган бир аёл машинага қўл силкитиб, гўё у тўхтамаса, ўзини машина тагига ташлашга тайёр эди. Ҳайдовчи истамайроқ аёлнинг ёнига келиб тўхтади.

— Жон ўғлим, қизим тўлғоқ азобида... Қоронғи ҳам тушиб қолди. Қанча сўрасангиз берай, қизимни туғруқхонага олиб борай лик. Куёвимнинг машинаси шу тобда бузилиб қолуди...

Аёл тинмасдан зорланар, ялинарди.

— Хола, бошқа машина тўхтатасиз! Мен жуда муҳим иш билан кетаяпман. Ҳозир мен учун бир минут ҳам қадрли. Ҳожатингизни чиқара олмайман. Қизингизни олиб боришга бошқа машина ёлларсиз, — деди папиросни бурқситиб чекаркан Нодиржон холанинг юзига ҳам қарамасдан.

Аёлнинг кўз олди қоронғулашди. Шунча ялиниш кор қилмаган бу йигитга нима деб гап уқтириш мумкин? Иложсиз йўлни бўшатди.

Машина ҳам, бояги қаҳри қаттиқ йигит ҳам бир зумда кўздан йўқолди. Аммо аёл яна бир соатча кўзлари тешилгудек бўлиб йўл қаради. Қани энди, бирорта улов топилсаю қизи шўрликни туғруқхонага элтиб ташласа.

Йўқ, минг афсуски, шу куни тақдирнинг ёзиғимиди, машина топилгунча гулдек келинчак биринчи фарзандини ёруғ дунёга келтирдию ўзи оламдан кўз юмди.

Ҳалиги шофер йигит эҳтимол, ўз ҳуқуқларини билар, истаган жойда ҳаққини ҳимоя қилиш қўлидан келар. Аммо у бурчларини ҳам билармикан? Ҳар қандай вазиятда, ҳатто машинада йўловчилар бўлганда ҳам, уларни тушириб туғиш фурсати етган аёлни туғруқхонага олиб бориш йигитнинг бурчи эмасмиди? Энг аввало, бу инсонниг инсонга шафқати, бурчи бўлса, иккинчи томондан қонунларимизда белгиланган ҳайдовчилик бурчи ҳам шуни тақозо этмайдими? Афсуски, ҳамма ҳайдовчилар, ҳаваскор шоферлар шуни билмайдилар...

Бурчни ҳис этмаслик, одамларга эътиборсизлик бир инсоннинг бевақт ўлим билан юзма-юз келишига сабабчи бўлди.

Ҳар куни қайсидир транспорт турининг йўловчиси бўламиз. Аммо йўловчининг вазифалари нималардан иборатлигини биламизми? Ҳайдовчининг, ўзимизга ўхшаган йўловчиларнинг осойишталигини бузмаслик, кекса ва ёш болалиларга жой бериш, салонни ифлос қилмаслик каби бурчларимиз борлигини ўйлаб кўрамизми?

Булар бир қарашда майда гаплар. Бу бизнинг, сизнинг қаётингизда ҳар куни, ҳар лаҳзада учрайди. Демак, буни ўткинчи гап деб бўлмайди. Томчи озоздан йиғилиб дарё бўлгани каби арзимас ҳодисалар тўпланиб вулқондек фожиага айланиши мумкин...

Ҳидоят ОЛИМОВА

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 28-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Вазира опа Ибодова 32 йилдан буён муаллимлик касбини эъзозлаб келяапти. Шу касб орқали обрў топди, эл-юртга танилди. Назаримизда, инсон учун бундан-да буюкроқ бахт йўқ оламда...

Суратда: Фидойи муаллима В. Ибодовани ўқувчилари Оқилхон Шарафиддинов номидаги медалга сазовор бўлганлиги билан чин дилдан қутлашяпти.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

Dil izhori

ҲАЙРАТ ВА ЭҲТИРОМ

Одатда, ўз касбининг усталари — таниқли арбобларга шундай савол берилади: «Нега туғилганмиз? Нима учун яшаяпмиз? Яшашдан мурод не?» Бу фалсафий муаммоларки, уларга бир нафасда жавоб бериш мушкул. Мен ҳам ана шундай саволлар билан мурожаат этганимда жавоб олиш осон кечмади. Айримлардан иккиуч ҳафта, ҳатто ойлаб жавоб бўлмади. Аксинча, академик ёки каттагина лавозимда ишлаётганлар ҳам шунча яшаб бу саволларни ўзларига бериб, жавоб изламаганлиги, излаганлари ҳам жавоб топа олмаганлиги маълум бўлиб қолди... Бироқ у олинган жавобларнинг орасидан биттаси мукаммаллиги билан муштарийларни ўзига жалб этди. Акс-садо берди. Айни пайтда шу жавобдаги бир жиҳатни муштарийлар сезмай қолишди. Жавоб муаллифи мухбир берган саволларга (айримлар каби) киноя билан ёки «Нимага бошимни қотиряпсан, шартми шу», дея эътироз билдирмади. Билъакс, саволларни табиий қабул қилди. Тез фурсатда жавоб тайёр бўлди. Чунки муаллифимиз ана шундай саволлар билан ўзини кўпдан буён тергаб келган, ҳаёти давомида жавоб қидирган, ўқиган, изтироб чеккан ва, ниҳоят, муайян хулосаларга келган. «У сўз устаси бўлганлиги учун чиройли ёзган», деганлар адашишди. Юқоридаги саволларга жавоб бериш учун сўзга усталикнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун инсонда худо берган ақл, иқтидор, идрок, ҳурфикрлилик, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган — моҳиятга интилиш иштиёқи, дунёни бир бутун кўриб, айни чоғда уни бўлакларга ажрата олиш иқтидори керак... Машҳур адабиётшунос олим, ёзувчи, таржимон, публицист, муҳаррир, бугунда партия раиси, Олий Мажлис депутати устоз Иброҳим ака Ғафуров ана шундай зиёли сиймосида бир талабанинг қалбидан жой олди.

Бирор киши ҳақида муносиб мақола ёзиш ёки фикр билдириш учун ўша инсон даражасида билиминг, тажрибанг бўлмоғи талаб этиларкан. Айниқса, ул зотнинг ижоди ва фаолияти серқирра бўлса, вазифа янада мушкуллашаркан. Қолаверса, Иброҳим ака Ғафуровнинг адабиётшуносликдаги, таржима борасидаги, ёзувчиликдаги фаолиятига мутахассислар муносиб баҳо беришмоқда. Биз эса устознинг ўзбек журналистикасидаги хизмати ҳақида икки оғиз фикр билдиришга жазм этдик.

Журналистика — кечанинг таҳлили, бугуннинг тафсилотлари ва эртанинг ташҳиси. У КЕЧАнинг яхши-ёмон жиҳатларини ўрганиб, ҳаёт учун фойдали хулосалар чиқаради, БУГУНги воқеаларни ёритиб, жараённи кўрсатади, ЭРТА — ёрқин келажак ҳақида орзу қилади, тилак билдиради. Иброҳим аканинг публицистик асарлари — журналистик тадқиқотларини шундай таърифлаш мумкин. Мана, бир мисол: «Миллий тикланиш» газетасининг охирги 48-сонидаги «Бизга иккиланиш тўғри келмайди» сарлавҳали мақоласида бугунги воқелигимизда тилган олинган Ўзбекистон Президентининг иккиланиш ҳақидаги фикрлари, «Қўшимча икки тонна олтин» сўзлари, уларнинг публицист томонидан теран илғангани-ю таҳлилга тортилгани ибратлидир. Мақоладан иқтибос: «Ислом Каримов иккиланишни бекор тилга олди дейсизми?

Эски фикр уловларида юрганлар, надомат устига надомат қилаётганлар озми атрофимизда?

Бензин беш тийин эди, ортиб қолган энг аъло нав бензинларни сув бўйларида шағаллар устига тўкар эдилар, деган гаплар тамом меъдамга тегди.

Нечун бу иккиланишлар?

Нечун бу бош-кети кўринмас надоматлар?

Сиз ўзингизнинг энг буюк орзуингизга етмадингизми?

Мен ўзимнинг энг буюк орзуйимга етмадимми?

Ў, Улар ўзларининг энг буюк орзуларига етмадиларми?

Биз чин мустақилликка чиқмадикми?

Катта ўйин бўлиб юрган замонларни ким соғиниши мумкин?

Яна ўйин бўлишни соғиниш кимга ярашади?

Қўшимча икки тонна олтин... шундай буюк заҳира узра, хазина узра туришни жаноби Ҳақнинг ўзи муяссар қилган инсонлар катта миллий мақсадларни унутиб, иккиланиб ўтирсалар, ўтмишга ҳавас қилсалар ақлдан бўлурми?

Икки тонна қўшимча олтин...

Не-не курашлар, ўзгаришлар билан ўтиб бораётган 97-йил адоғида, не-не умидлар ваъда қилаётган 98-йил арафасида бу маълумот мен учун энг азиз мукофот бўлди.

У боис мен Ўзбекистон нима устида, қандай заминда турганлигини билдим. У боис эндиликда Ўзбекистонга жўнлик, сийқалик, саёзлик ҳеч қачон ярашмаслигини, аҳлимиз бу увадалардан бутунлай халос бўлиб, янги қаёт учун комил ишонч туйдим».

Узун бўлсада, ушбу кўчирмада кечанинг таҳлили, бугунги айрим ножўя қарашлар танқиди, янги мустақил ҳаёт орзуси — барчаси бирдай мужассам. Бундай мақола ёзиш учун дунёни, хусусан, Ўзбекистонни, ундаги воқеа-ҳодисаларни, ютуқ ва муаммоларни яхлит ҳолда кўра билиш ва мухтасар ҳамда теран хулосалаш лозим бўлади. Умуман, Иброҳим ака Ғафуров муҳаррир сифатида эски тузумдан қолган «бош муҳаррир газетанинг ҳар сонида мақола ёзиши» ёки «бир мухбир ёки муҳаррир бир газетада икки ва ундан ортиқ мақоласи билан қатнашиши одоблан эмас», деган қарашларнинг ноўринлигини исботлади. Маҳмуд Саъдий таъбири билан айтганда, бу ҳол ўзбек журналистикасида янгилик!

Муҳаррир сифатида Иброҳим ака долзарб мавзуларда мақолалар уюштириш, муаллифга фикр беришда ҳам чинакам устоз. Муаллиф топа билиш учун ҳам матбуот ва адабий нашрларнинг барчасини доимий мутолаа қилиб бориш, мақолалар орқали муаллифларни саралай билиш иқтидори талаб этилади. Бу борада ҳам Иброҳим ака муҳаррирлик қилаётган «Миллий тикланиш» тарих ва адабиёт фанидан дарс берадиган мактаб ҳамда олий таълим ўқитувчилари учун жуда зарур манба вазифасини ўтайдиган газетага айланди.

Ўрни келганда яна бир фикр. Талаба, дейлик, журналист-талаба ўқиш жараёнида ўз йўлини топишга ҳаракат қилади. Ўз йўли деганда бошқанинг, мисол учун, Иброҳим аканинг ибратли публицистик йўлини БУТУНЛАЙ танламаслиги табиий ҳол эканлиги тушунилади. Чунки ҳар бир одамнинг табиати ўзига хос, такрорланмасдир. Бироқ у ўзи танлаган касб фидойиларининг, жумладан, Иброҳим ака Ғафуров публицистикасининг ўзига хос ибратли жиҳатларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади, яъни публицистика соҳасининг гулларидан бол йиғади. Бу жараён икки хил кечади: талаба публицистнинг мақолаларини ўқиб-ўрганади;талаба публицистнинг ўз фикрлари, мулоҳазаларини юзма-юз суҳбатда эшитиб ўрганади. Ушбу сабоқнинг ҳар иккаласи ҳам зарур. Лекин иккинчи йўлнинг таъсири кучлироқ. Журналистикамиз тажрибасида иккинчи йўл ҳали ишланмаган. Бу фикр журналистика факультети раҳбариятига маъқул келмаслиги ва улар онда-сонда уюштирилажак учрашувларни рўкач қилишлари мумкин.

Айтмоқчи бўлганим бошқа. Бунда таълим муассасаси ходимининг ташаббуси ёки ихтиёри билан мақсад тўла амалга ошмайди. Билъакс, таълим тизимида механизм ишлаб чиқилиши, ҳар бир соҳанинг усталари аниқланиши, мунтазам равишда таълим бериш жараёнида қатнашишини йўлга қўйиш ва уларнинг талабаларга берадиган сабоқлари режалаштирилиши лозим. Чет элда ўз соҳасининг усталари миллатнинг маърифий-маънавий ғазнаси ҳисобланади. Улар ҳурмат билан маъруза ўқишга таклиф қилинадилар. Барча қоғозбозликларни таклиф қилувчилар — ўқув даргоҳи «амалдорлари» расмийлаштирадилар, маърузачиларга катта ҳақ тўлайдилар. Ахир, улар чинакам ғазна-да! Уларнинг вақти чегараланган — иши, ижоди, хуллас, ташвишлари ўзларига етарли. Лекин билганларини келажак авлодга қолдиришни улар миллат олдидаги бурч, деб билишади. Бизнинг бошқа миллатлардан камчилигимиз йўқ. Ўзбекистонда ҳар соҳанинг амалиётдаги усталари бор. Уларни топиш, талабалар билан учраштириш, улардан Ўзбекистонда ўша соҳанинг равнақи учун фойдаланиш, таъбир жоиз бўлса, ҳаётий эҳтиёждир.

Иброҳим ака Ғафуровни ҳозирги замон ўзбек журналистикаси, филологияси илмининг чинакам ғазнаси деб биламан. Лекин бу олтин ғазна табиий заҳиралардан фарқ қилади, яъни миллат равнақи учун ундан вақтида унумли фойдалана билиш керак.

Устоз баҳона, муаммо санашга ўтиб кетдик, шекилли. Аслида бу ҳам журналистикада тадқиқотнинг бир йўли, яъни бирор воқеа, ҳодиса ёки инсон ҳақида гапираётиб, долзарб фикрлар айтилади, муаммоларга ечим изланади.

Иброҳим ака, 60 ёшингиз муборак бўлсин! Ҳали биз — шогирдларингиз Сиздан кўп сабоқлар, фикрлар, ибратлар оламиз, деб ишонамиз. Оллоҳ умрингизга, илмингизга, ижодингизга барака ато этсин.

Ҳалим САЙИД

Rasmiy bo'lim

ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ

Куни кеча Урганч шаҳрида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг навбатдаги сайёр Раёсат ва навбатдан ташқари IV пленум йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларни Марказий қўмита раиси И.Абдуғаниев олиб борди.

Йиғилишда Хоразм вилояти ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари масъул ходимлари, вилоятлар тармоқ касаба уюшма қўмиталарининг раислари, Фанлар академиясининг йирик олимлари, касаба уюшмаси фахрийлари ва фаоллари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорларининг ҳаётга татбиқ этилиши кўрилиб, муҳокама этилди.

Бугунги фан ва тараққиёт талаблари нафақат иқтисодий муаммоларни ечиш, балки жамиятимизга, хусусан, таълим тизимида юқори малакали мутахассислар, мураббий ва олимларнинг фаолият кўрсатишини талаб этади. Шунинг учун ҳам Раёсат ва пленум ҳужжатларида тармоқ касаба уюшмасининг долзарб вазифаларидан бири — жойлардаги халқ таълими бошқармалари, ҳокимликлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда таълим, тарбия ва фан мутахассисларига муайян иш ва илмий изланишлар шароитларини яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялашдан иборат, деб таъкидланди.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимида ҳозирги замон ўқув жараёнини, таълим тизимини мукаммал биладиган, касбий малака ва ҳуқуқий билимга эга мутахассислар фаолият кўрсатиши, уларнинг ахлоқий, маънавий-мадания жиҳатлари ҳам талаб даражасида бўлиши кераклиги кўрсатилиб ўтилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тармоқнинг бошланғич ташкилотларидан юқори органларигача бўлган барча бўлинмалар тузилмасини такомиллаштириш, кадрларнинг касбий малакасини ошириш ва уларни жой-жойига қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган «Тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбарияти ва аппарат ходимларининг лавозимлик тўғрисидаги Низом» ҳамда аппаратларнинг янги штат рўйхатларининг, хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ходимлари, талабаларни ҳамда халқ таълими ходимлари ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича мутахассисларнинг ва бошқа тегишли лавозимларнинг жорий этилиши тармоқ касаба уюшмасининг савияси ва нуфузини анча кўтаришини айтиб ўтдилар.

Муҳокамада яна бир муаммога эътибор қаратилди. Бу — касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбар заҳирасини тайёрлаш масаласи. Айтиш керак, ҳудудларда бундай иш етарлича олиб борилмаётир. Натижада касаба уюшмасига аксарият ҳолларда тармоқ масалаларидан узоқ, касбий ихтисослиги тўғри келмайдиган, ташаббуси йўқ, «тасодифий одамлар» келиб қолмоқдалар. Вилоят, туман касаба уюшмаси қўмиталари раҳбарларининг кадрлар резервини тайёрлаш масаласидаги пассивлиги охир-оқибатда маҳаллий ҳокимият, халқ таълими бошқармаси, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарияти касаба уюшмаси раҳбар кадрларини ўз хоҳишига кўра тайинлашларига олиб келмоқда. Бундай ҳол эса жамоа ташкилотлари, уларнинг ўрни ва фаолияти ҳақидаги қонуний давлат ҳужжатларига тамоман зиддир.

Шу ўринда раҳбар кадрларни сайлаш ва уларни жой-жойига қўйишда муайян мезонларга риоя этиш, яъни номзодларнинг сайланиши танлов ва аттестация асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Номзодни тавсия этаётган шахслар ҳам мазкур кадр учун масъулликни сезишлари ва жавобгарликни ўзларининг зиммаларига олишлари кераклиги таъкидланди.

Раёсат ва пленум йиғилишларидан сўнг Марказий қўмита аъзолари ва қатнашчилар Хива шаҳрининг ҳокими М. Мадаминов билан учрашувга таклиф этилдилар. Тармоқ касаба уюшмаси аъзолари номидан Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан эсдалик совғалари топширилди. Меҳмонлар Хиванинг қадимий тарихий ёдгорликлари, шаҳарнинг айрим ўқув муассасалари, шаҳар тармоқ касаба уюшмасига қарашли типография ҳаёти билан танишиб чиқдилар.

Иккинчи куни тармоқ касаба уюшмаси раҳбарияти билан вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Дўстчонов мулоқотда бўлди. Шу куни Урганч давлат университетида профессор-ўқитувчиларнинг Фанлар академияси билан ҳамкорликларига доир илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А.Абдуваҳобов, халқаро муҳандислик академиясининг академиги Н. Иброҳимов, УрДУ ректори, академик А.Саъдуллаев, иқтисод фанлари доктори И.Абдуғаниев, УрДУ проректори, филология фанлари доктори, профессор Х.Бобожонов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Г.ПАРПИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг ходими

1998 йил - Оила йили

Азиз ватандошлар!

Барчангизни кириб келаётган Янги йил айёми билан самимий муборакбод этиш бахтига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз.

Биз - Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жамоаси мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини такомиллаштиришга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Янги йил арафасида барчангизга сиҳат-саломатлик, келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги сермашаққат ишларингизда янги зафарлар тилаймиз!

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жамоаси.

Seminar — kengash

МУАЛЛИФ ВА МУАЛЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Фарғона вилоятининг Риштон туманида минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг амалиётга жорий этилиши, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини рўёбга чиқариш бўйича Республикамизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар семинар-кенгашнинг мазмун ва моҳиятини белгилади.

Белгиланган тартибга мувофиқ, Риштон туманининг бир неча мактабларида она тили, ўзбек адабиёти, эски ўзбек ёзуви дарслари ҳамда янги ўзбек алифбосини ўрганиш машғулотлари қузатилди. Аксарият ўқитувчилар ҳозирги кун талабини тўғри англаган ҳолда сабоқ беришар экан. Улар ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ундашмоқда. Айниқса, 4-ўрта мактаб ўқитувчиси Махпирали Ҳошимовнинг 5-синф синов қўлланмаси бўйича ўтган дарси семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслиги муаллифи Қозоқбой Йўлдошевнинг қизиқарли маърузаси тингланди. Қузатилган дарслар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айрим дарс машғулотларида ижодкорлик етишмаётганлиги, ҳамон эскича, анъанавий усулда ўқитилаётганлиги, болаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга эътибор сустлиги айтиб ўтилди.

Амалиётчи ўқитувчилар Халқ таълими вазирлиги қошидаги таълим марказзи, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг тил ва адабиёт таълими мазмунини янгилаш бўйича амалга ошираётган ишлари билан таништирилди. Таълимнинг янгича тамойиллари хусусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Янги ўзбек алифбосини ўрганишга доир маслаҳат ва йўл-йўриқлар ўртага ташланди.

М.АБДУРАИМОВА, РТМ бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди

ЯНГИЛИККА ЮЗ ОЧГАН МАСКАН

Ўтаётган 1997 йил мамлакатимизнинг барча жабҳаларида, хусусан, маорифимизда туб бурилишлар даври бўлди, десак хато бўлмайди. Чунки, биргина таълим-тарбия соҳасида шу йили «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилинганлигининг ўзиёқ маорифимиз, қолаверса, мамлакатимиз тарихида ўчмас зарварақ бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Таълимга бўлаётган бундай юксак эътибор мураббийларимиз қалбини ифтихорга тўлдириши билан бирга, айни чоғда улар зиммасига катта масъулиятлар ҳам юклайди. Улар таълим-тарбия соҳасида бўлаётган ҳар бир ўзгаришни тезда илғаб олганлари ҳолда амалга жорий эта билмоқлари лозимдир. Бу борада Оқ олтин туманида жойлашган Иқтисодиёт ва бизнес коллежи жамоаси ҳам бир ёқадан бош чиқарган ҳолда ҳаракат қилаётганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Бугун ўзининг ўттиз йиллик тўйини нишонлаётган мазкур коллеж тўла маънода янгиликка юз бурган таълим масканидир. Шу ўринда, навқирон ёшли коллеж хусусида сўз юритилар экан, унинг тарихи ва бугунига бир назар ташлаб ўтмоқлик мақсадга мувофиқдир.

Бу маскан дастлаб Тошкент гидромелиорация техникуми филиали сифатида, қўриқ ва чўл ерларни ўзлаштириш мақсадида, 1967 йили Янгиер шаҳрида ташкил этилган. 1975 йилда Оқ олтин туманидаги ўқув юрти учун тўлиқ мосланган бинога кўчирилган ва «Оқ олтин гидромелиорация техникуми» деб юритила бошланган. 1992 йилда «Оқ олтин гидромелиорация коллежи», орадан уч йил ўтгач эса, «Оқ олтин иқтисодиёт ва бизнес коллежи» деб атала бошланди.

«Раҳбар қандай бўлса, жамоа ҳам, у ердаги иш ҳам шунга яраша бўлади», деган гап бор. Кўпчилик биз сўз юритаётган муассасанинг бу борада омади юпган деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, бу ерда қарийб йигирма йилга яқин вақтдан буён директорлик қилиб келаётган билимдон инсон, салоҳиятли раҳбар Ёвқочди Ҳайдаровнинг олиб бораётган ишлари шундай дейишга асос бўлади. Ёвқочди Ҳайдаров айни пайтда техника фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори, «Педагогика назарияси ва тарихи» ихтисослиги бўйича профессор ва халқаро Педагогика академиясининг академиги каби илмий унвонлар соҳибидир. Шу вақтгача олимнинг 72 та рисола ва қўлланмалари нашр этилган. 2 та ихтироси учун муаллифлик гувоҳномасига эга. Албатта, мана шундай илм кишисининг коллежга раҳбарлик қилишининг ўзиёқ бу ерда қилинаётган ишлар даражасини маълум маънода кўрсатиб беради.

Коллеж «Ўзсувқурилиш» давлат концерни қошида ташкил этилганлиги боис, концерн тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотлар учун поғонали равишда, комплекс назарий билимга, ўрта махсус ва тўлиқсиз олий таълим ҳажмида амалий кўникмага эга бўлган техниклар, малакали мутахассислар ва кичик муҳандислар тайёрлаб беради. Даргоҳнинг 80 та фан хоналари ва лабораторияси замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Техника ижодиёти тўгаракларида эса талабалар ижодий ташаббусларини амалга ошириш учун катта имкониятлар яратилган. Кутубхонада 55,5 минг китоб мавжуд бўлиб, жуда шинам жиҳозланган.

Айни пайтда коллежда ўнта ихтисослик бўйича талабалар таҳсил олишмоқда. Талабаларга билим бериш сифатини ошириш масаласи, албатта, фақатгина, ўқув базасини кенгайтириш йўли билангина ҳал этилмайди. Бундан ташқари таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш, маънавиятни юксалтириш, янгиликларни тўғри қўллай билиш ҳам зарур бўлади. Буни тўғри тушунган коллеж, ўқитувчилар жамоаси ҳам бир жон, бир тан бўлган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Ҳамза Эгамов, Акмал Шукуров, Акром Нуруллаев, Аввалбой Алишев, Абдусамад Хожанов, Абдусамад Абулқосимов, Шодиёр Бобожонов, Орзиқул Абдуллаев, Клара Бозорбоева, Болибек Бойзоқов, Ўткир Тўраев, Абдурауф Шодмонов сингари изланувчан ўқитувчилар ана шундай мураббийлар сирасидандир.

Қисқа қилиб айтганда, Оқ олтин иқтисодиёт ва бизнес коллежи мамлакатимиздаги донгдор ва йирик билим масканларидан бири саналади. Айни пайтда ўзининг ўттиз йиллик тўйини нишонлаётган бу билим юрти келгусида ҳам мамлакатимиз учун зарур бўлган малакали кадрларни тайёрлаб етказиб беришига, шубҳа йўқ.

Равшан БОБОЖОНОВ, шу коллежнинг автотранспорт бўлими ўқитувчиси

Maktabgacha tarbiya

ЯНГИ ЙИЛ НАШИДАСИ

Хуш келибсан Янги йил,
Хушвақт қилиб барчани,
Келишингга безатдик
Яшноқ, яшил арчани.

Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармасига қарашли 484-боғчанинг жажжи ширинтойлари ана шундай шеър ва жозибали қўшиқлари билан янги — 1998 йилни шодон кутиб олаётирлар.

Боғчада 12 гуруҳ мавжуд бўлиб, 286 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Улардан 4 гуруҳи русийзабон болалардир. Ўғил-қизлар мусиқа раҳбарлари Маҳбуба Муҳидинова ҳамда Полина Сагитовалар бошчилигида янги йил, қиш, арча ҳақида шеър, қўшиқ, лапар ва жозибали рақс ўрганяптилар. Қорбобо ва Қорқиз эртаги асосида саҳна кўринишлари тайёрламоқдалар.

Ҳар йили Янги йил эрталигига пойтахтдаги республика Ёш томошабинлар театрларининг артистлари Улуғбек Сафоев ва Аркадий Каменскийлар кичкинтойлар билан бирга ҳозирлик кўрадилар. Уларнинг ҳазил-мутойиба, топишмоқ, ўйин-кулгулари жажжиларга хуш кайфият бағишлайди.

Боғчада таълим-тарбия ишлари болаларни ўқитиш, саводхонликка ўргатиш, китоб устида ишлаш йўналиши бўйича олиб борилмоқда. Мазкур масканда йилда икки марта умумий ота-оналар мажлиси ўтказилиб, унда иқтисодий масалалар ва режалар белгилаб олинади. Гуруҳларда эса ҳар уч ойда қилинган ишлар юзасидан ота-оналарга ҳисобот тарзида болажонлар қўл меҳнатлари — қуриш-ясаш, ёпиштириш, лой ишларидан иборат кўргазма ташкил қилинади.

— 1998 йил «Оила йили» деб аталиши, — деди боғча мудираси Махсума Иноятова, — айни муддао бўлди. Оила мустаҳкам бўлиши учун, аввало, уларнинг мевалари — фарзандлари яхши тарбияланиши лозим. Боғчадаги барча ходимлар — мудирадан тортиб энагагача оилани мустаҳкамлашга ўз улушимизни қўшишимиз зарур. Бунинг учун ўзимиз маънавиятли, маърифатли бўлишимиз, ота-оналар нуридийдаларини ишониб топширар эканлар, улар ишончини оқлашимиз керак. Келажагимиз эгалари бўлмиш жажжи кичкинтойларнинг камол топишларида мустаҳкам пойдевор яратиш асосий бурчимиздир.

Боғчада миллий гуруҳ тарбияланувчиларига лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси билан бирга кирилл ёзуви ҳам ўргатилмоқда. Уч йилдирки, кичкинтойлар инглиз тилини ҳам ўрганишиб, дурустгина сўзлаша оладилар.

Китоб — билим манбаи. Боғча ўз нурхонасига эга. Унда уч мингдан зиёд китоб мавжуд. Тажрибали, изланувчан тарбиячилар ана шу адабиётлардан фойдаланиб, машғулот ўтаётир. Болаларга китоб — офтоб, уни севиш, асраб-авайлаш, ҳеч бир варағини йиртмаслик зарур эканлигини уқтирмоқдалар.

Ҳа, дилбандларимиз қалбига маънавият ва маърифат уруғлари қанчалик барвақт экилса, шунчалик эрта ҳосил беришига иймонимиз комил.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Metall Vatanga

ШТАБ ЙИҒИЛИШИ

Хабарингиз бор, газетамизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича давлат буюртмаларини бажаришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида» буйруғидан келиб чиққан ҳолда вазирликнинг қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича 1998 йилги режа топшириғи эълон қилинган эди.

Ушбу режа топшириғининг бажарилишини назорат қилиш учун вазирликда вазир ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигида штаб тузилиб, вилоятларда эса ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, жавобгар шахслар белгиланди.

Сешанба куни вазирликнинг катта мажлислар залида мазкур штабнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни штаб бошлиғи, вазир ўринбосари Муртазо Султонов бошқарди. У йиғилиш қатнашчиларини Халқ таълими вазирлигининг мазкур буйруғи билан таништирди ва унда кўрсатилган штабнинг асосий вазифалари ҳамда бундаги мутасадди кишиларнинг шахсий маъсулияти хусусида гапириб, улар давлат режа топшириғини бажариш давомида тегишли ташкилотларнинг устидан қатъий назорат қилиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда штаб бошлиғининг муовини, вазир ўринбосари Хайриддин Маъсудов, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари маъсул ходимлари қатнашдилар.

Н. УСМОНОВ

КУТУБХОНА — ЗИЁ ХОНА

Китоблар... Уларда сермаъно фикрлар мужассам. Бу фикрлар инсон қалбини гўзалликка, эзгуликка етаклайди. Пойтахтимизда жойлашган С. Х. Сирожиддинов номидаги лицей ўқувчилари ҳам, буни тўғри англаган ҳолда дарсдан ташқари вақтларини беҳудага сарфлашмайди. Уларни лицей кутубхонасида, кутубхоначи Онажон опа олдида, суҳбат чоғида учратасиз. Кутубхона кенг ва ёруғ бўлиб, бу ерда доимо озодаликнинг гувоҳи бўласиз. Жавонларда ўқувчиларнинг фойдаланиши учун машҳур ёзувчиларнинг асарлари, қўшимча адабиётлар, дарсликлар мавжуд. Кутубхонада қўшимча машғулотлар, маданий ҳордиқ чиқариш учун қулай шароит яратилган. Вақтнинг беҳудага сарфланмаганлиги, кутубхонадаги қўшимча машғулотлар натижасини бу йилги лицей битирувчиларнинг 99 фоизи олий ўқув юрти талабалари бўлганидан англаймиз. Ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичга эга бўлишида кутубхоначи Онажон опа Турсунованинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозирги кунда Онажон опа ўз ишини сидқидилдан давом эттирмоқда. Уни доимо ўқувчилар қуршовида, гоҳида лотин тилидан ўқувчиларга машғулот ўтаётган пайтида учратамиз. У кутубхонага янги аъзо бўлган ўқувчиларга китобни асраб-авайлаб тутишни, китоб инсоннинг энг яқин дўсти эканлигини такрор-такрор уқтиради.

Дарҳақиқат, исми жисмига монанд ўзбек аёли нафақат ўқувчилар, балки лицей ўқитувчилар жамоасида ҳам ҳурмат қозонган. Доимо кулиб турувчи бу аёл ишда фаол ташкилотчи бўлса, уйда файзли хонадон соҳибаси, моҳир пазанда. Қувонарлиси, юртимизда шундай «Онажон»ларнинг сон-саноғи йўқ. Уларга қараб, болажонлар қалбига зиё таратаётган ҳаётингиз доим нурларга тўлсин, демоқчимиз.

Ойгул КОЖАНОВА

Sport maydonchasi



Павел Бугало («Пахтакор»)

БУГАЛО БИРИНЧИ

Хуллас, ўзбекистонлик спорт журналистлари 1997 йилги футбол мавсумининг энг зўр, энг ишбилармон футболчи ва мураббийларини аниқладилар. Сўровда республикамиз оммавий ахборот воситаларининг спорт бўлимларида ишлайдиган 44 журналист қатнашди. Натижалар эса қуйидагича: энг зўр футболчи — Павел Бугало (1-сурат), энг зўр мураббий Рустам Мирсодиқов (2-сурат). Ирисметов ва Саркисян иккинчи ўрин билан кифояланишди.



Рустам Мирсодиқов (МХСК)

БРАЗИЛИЯ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ!

...Ниҳоят Саудия Арабистони қироли — Фатҳ кубоги мусобақаси якунланди. Ярим финалда Бразилия футболчилари Чехия терма командасини 2:0 га ютди. Австралия эса Уругвайдан 1:0 натижа билан устун келди. Финалдаги Бразилия — Австралия учрашувида жаҳон чемпионлари 6:0 ҳисобида ғолиб чиқишди. Ромарио ва Рональдолар учтадан тўп киритди.

МЕРСЕДЕСНИ ЎҒИРЛАБ КЕТДИ

Владикавказнинг «Спартак — Алания» командаси собиқ ҳужумчиси А. Канишев негадир ҳаётнинг кўпдан-кўп зарбаларига дош беришга мажбур бўлмоқда. Яқинда воронежлик тажрибали ўғрилар Анатолийнинг «Мерседес» енгил автомашинасини ўғирлаб кетишди. Қидирув давом этмоқда. Канишевнинг ўзи эса Москванинг «Спартак» клуби билан шартнома тузмоқда.

ОҒРИҚЛИ САВОЛ

Ҳикоя

Дилдора мактабдан уйга етиб келгунча адабиёт ўқитувчисининг топшириғини ўйлаб келди.

У дунёда фақат битта одамни жуда-жуда яхши кўради, бу — дадаси. Қани энди ўқитувчиси дадалар ҳақида ёзиб келишни вазифа қилиб берса-ку, эҳ, ўзи биларди-я.

Онасини ҳам яхши кўради, бироқ дадасичалик эмас-да.

Уйга келганда дадаси ёнбошлаб чой ичиб ўтирарди.

— Ассалому алайкум, дадажон. Навбатчилигингиз яхши ўтдими?

— Ваалайкум, қизжоним, ўқишларинг яхшими? — деди-да Фозилжон чўнтагидан конфет олиб қизига узатди.

Дилдора дадасининг ўнг томонига ўтирар экан, «дада, бир саволим бор сизга», — деди.

— Хўш, қизим.

— Дадажон, ойим яхшилар, а?

— Ҳа, онанг яхши аёл, — деганича қўлига олган нон бурдасини яна жойига қўйди. — Бибим, нега бу саволни бераяпсиз? (Баъзида қизини онасининг номи билан шундай атарди).

— Ўзим. Хўп, дадажон, мен дарсларимни қилиб қўяйин. Адабиёт дарсидан ўқитувчи опамиз топшириқ берганлар.

Дилдора дарсхонага кириб ўйланиб қолди. Мавзу: «Мен онамни севаман». Нимадан бошлашни билмай анча ўтирди, сўнг: Мен онамни яхши кўраман. Бир қизча серқатнов кўчада адашиб қолиб, роса йиғлайди, қизчадан онанг ким эди, — деб одамлар сўрашса, қизча «Билмайсизларми, менинг онам ҳаммадан яхшилар», — дейди. Йўқ, бўлмади, — деди-да, ёзганлари устига ўқитувчи опасидек чизиб-чизиб ташлади. Яна ёза бошлади.

Менинг ойим кассада бош ҳисобчи бўлиб ишлайдилар. Ойим ширин-ширин овқатлар пиширадилар. Ойимнинг ёши ўттиз олтиларда. Семиз ҳам, озғин ҳам эмас. Сочлари узун, қора ва чиройли, кўзлари катта, пешоналарида холлари бор. Ойим пошнали туфлини яхши кўради. Мен ойимни ҳурмат қиламан, ёрдам бераман, айтганларини бажараман.

Дилдора ручкани қўйди. Онасининг дадасига қўп бақиришларини эслади. Лекин дадаси ойисини яхши аёл, деди-ку. Ҳа, майли. У куни қўшнилари Мастура хола нима деган эди. Топдим: «Фозилбой уйига секин кириб чиқади. Ичкуёв-да. Холнисохон баланд охурдан ем еганлардан», дедиларми? Наҳотки, шу гаплар рост бўлса? Балки бу ҳовли-жой ойимники бўлганлиги учун дадамга кўп бақирсалар керак. Бўлди. Энди ойим ишдан қайтсалар, дадамларга бақирманг, дейман.

Дилдора яна ёза бошлади: «Дилдора кўчада адашиб қолиб, роса йиғлайди, ҳалиги қизчадан ҳам баландроқ йиғлайди, ахир, дадасидан ажраб қолади-ю... Одамлар ундан ҳам сўрашса, Дилдора, билмайсизларми, менинг дадам ҳаммадан яхши, ҳатто ойимдан ҳам...»

Дилдора ўзича мийиғида кулиб қўйди. Уйдан чиқса, дадаси ухлаб ётарди. Секин бориб дадасининг ёнига чўккалади. — Дадажон.

— Лаббай қизим.

— Бир нарса ўқиб берайми?

— Майли.

Дилдора ўқиди. Қизининг кўзига бир муддат тикилди, сўнг оғир хўрсинди. Қизининг пешонасидан ўпди.

— Дада, нега у куни ойим сизга «Бу уйда менинг қўлимнинг изи бор, сизнинг...», — дедилар? Нима дегани-а?

Робия РАЖАБОВА

«ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҲИКМАТЛАРИ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Қуйида бу йил таваллудига 750 йил тўлган ўзбек мумтоз рубоийнавис шоири ва мутафаккири Паҳлавон Маҳмуд, Пурёрвалий (1247—1326) ҳикматларида келтирилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.



1. Бир оқил дейдики: бўлгил валломат,
Ёки валломатга қила кўр
24, 2, 19, 18, 3, 8.

2. Дўст уйида 18, 22, 17, 18, 9, 1. бўлган вақтингда,
Қўлингни, кўзингни, тилингни тия бил.

3. Кўнглимизга 23, 20, 1, 18, 3, 5. бировдан губор,
Биздан ҳам бировга етмагай озор,
Ор ва ифтихордан узоқлашганмиз,
На бировга фахру, на бировдан ор.

4. Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Қўл узатсанг қадринг тушар, нонига.
Қўшма ўзгаларнинг 11, 3, 21, 21, 3 кабобин,
Қотган нону 5, 9, 25, 7, 23. сувинч сонига.

5. Дагал дили доим 16, 19, 1, 6, 4, 3, 1. бўлур,
Талаб йўли унга тўсилган бўлур,
Ёмон яхши билан ким келишолса,
Дили шоду ғамдан қутилган бўлур.

6. Номард хизматига ёндошма зинҳор,
Ўйлагин бу ўгит қандоқ 15, 7, 21. 17, 2, 13, 18, 3, 8.

7. Беилму амал равзаи ризвон бўлмас,
Рўза, намоз бўлмаса, иймон бўлмас.
Ўтмакка 2, 6, 9, 14. толсада қил қўприклан,
Кимки дилозор — мусулмон бўлмас.

8. Кимдаки бўлмаса замона ғами,
Ё оламдан эмас, ё эмас 9, 12, 3, 18.

9. Эй дўст, қани айт, жонми керак — жон берайин мен,
Ҳар не азиз, сен сўра, 10, 7, 6. 9, 1. берайин мен.
Кел қошима тез, кофиру бадфеъл... ўзимга
Зуннорнинг олиб, ўрнига иймон берайин мен.

Жавоб сўзларини тўғри топган бўлсангиз шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани ечинг. Ундан ижодкорнинг рубоийларидан бирини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Xullas...

ЎҚИГАН КАЛЛА

Японлар яна битта ажабтовур кашфиёт қилишипти. Яъни машҳур «Касио» фирмаси рангли телевизорнинг антиқа нусхасини яратишди. Энди унга «антенна» деган машмашаларнинг асло кераги йўқ. Бунданам қизиғи, у телевизор дегани бу батарея, бу аккумулятор, бу электр деб «ноз» қилиб ўтирмас экан. Ҳаммасига бирдай хайрихоҳлик билан ишлаб кетаверар экан. Буям майли, уни чўнтакда олиб юриш ҳам мумкин. Тўғрида, бор-йўғи бўйи 9 сантиметр, эни 6 сантиметр бўлса ўзи.

Ай, бу каллада гап кўп-да. Айниқса, ўқиганида...

ҚИЗИҚ ОДАМЛАР

Дунё жуда қизиқ. Одамлар ундан ҳам... Йўқса, шоҳнинг ишқи қурбақанинг кўзига тушармиди.

Энди тубандаги гапларга диққат қилинг. Баъзи эринмас олимларнинг айтишича, финлар қаҳва деса ўзларини томдан ташлашар экан. Олма ейиш мусобақасида немислар, конфет ейишда инглизлар, балиқхўрликда швейцарияликларнинг ошиғи олчи экан. Бундан ташқари амриқоликларнинг еган гўштини бўри эса, ўзбекларнинг ичган чойини фил ичса ёрилиб ўлиши тайин, деб айтишади.

ФИЛЛАР ЖАСОРАТИ

Бир вақтлар ота-боболаримиз ҳўкиз билан омоч ёрдамида ер ҳайдаганлар. Бироқ кейинчалик ҳўкизларнинг ўрнига «темир ҳўкиз»лар келиб қолди. Сиз ҳам тарихдан биласиз, тракторчи Турсуной опанинг бу жараёндаги қаҳрамонликларини. Лекин бу хил юмушлар фақат ўзбеклар қисматида ёзилмаган экан. Мана, ўқинг...

1870 йилда Англияда филлар учун махсус омочлар ишлаб чиқарилган. Омочлар темирдан ясалган бўлиб, ерни бир метр чуқурликда, энини бир ярим метр кенгликда шудгорлар экан.

Энди ўйланг, демак: инглиз омочларининг қўлига манман деган замонавий трактор ҳам сув қўёлмас экан-да... Бироқ шуниси ҳам маълумки, бу омочларда ўзлари ишламаган, фақат ҳиндлар ишлаган.

ana shunaqa gaplar

Bilasizmi?

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

1887 йили америкалик физик Теодор Эдисон кашф этган овоз ёзиб олиш асбоби — фонограф диктофон, граммафон ва магнитафоннинг яратилишига асос бўлди.

Рус олими Пётр Тагер раҳбарлигида 1926 йили овоз плёнкага ёзиб олинди. 1931 йили товушли тўла метражли бадиий фильм — «Ҳаётга йўлланма» экранга чиқди.

Овозни целлюлоид ёки ацетилцеллюлоз плёнкага ёзиб олиш ва қайта эшиттиришнинг мукаммал усулини 1927 йили олимлар Анри Шорин ва Владимир Охотниковлар яратганлар.

А. АЛИЕВ тайёрлади

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Санам опа АЛИМОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан самимий табриклаймиз. Жажжи қалбларни эзгуликка, билимга ошно этишдек машаққатли, масъулиятли ишингизда ҳамиша муваффақият ва омад ёр бўлсин. Доимо соғ-саломат бўлишингизни тилаб,

А.Икромов туманидаги 295-мактаб жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти вакант лавозимларга танлов ҳамда 1998 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун

Аспирантурага қўшимча қабул эълон қилади:

I

— педагогика фанлари 13.00.00.

— педагогика тарихи ва назарияси — 13.00.01.

— меҳнат ва ҳунар таълими назарияси ва услубияти — 13.00.02.

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек бевосита олий ўқув юрти (факультет) илмий кенгаш тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади. Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3x4 ёки 5x6 ҳажмида), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклда гувоҳнома.

II

Вакант лавозимлар:

1) Лаборатория мудирлари (фан доктори ёки фан номзоди)

2) Етакчи илмий ходимлар (фан доктори ёки фан номзоди)

3) Катта илмий ходимлар.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 20 кун давомида қабул қилинади. Манзилимиз: 700000. Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти Аспирантура бўлими. Факс: 136-22-12 Тел: 136-23-27

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси таълим фахрийси, вазирлик Марказий ҳисобхонасининг собиқ бош ҳисобчиси Абдуҳаёт АБДУСАМАТОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: *Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6